

Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида (1)

05:00 / 01.03.2017 4688

ТАРЖИМОН СЎЗБОШИСИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳозирги вақтда ахлоқий ҳаётимизда айрим камчиликлар вужудга келиб, кўпчиликни ташвишга солаётгани сир эмас. Инсон ҳаётда фақат моддий эҳтиёжини қондириш билан кифояланиб қолмай, балки руҳий тарбия олиш ва маънавий озикланишига ҳам аҳамият бериши лозим. Руҳ тарбияси жисм тарбияси билан уйғун ҳолатда камолга етгандагина инсон икки дунё саодатига эришади.

Кейинги пайтларда тасаввуф ва тариқат ҳақида, сўфийлик ва унинг тарихи тўғрисида бир қатор китоблар ёзилди ва ўқувчиларга тақдим этилди.

Абу Абдуллаҳмон ибн Ҳусайн ибн Мусо ас-Суламий ан-Найсабурий (325/936-412/1031)нинг “Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида Муқаддима” китоби пок фазилатларни ўзида жам қилган исломий тасаввуф мавзусини ёритади. Муаллиф “Муқаддима” асарида ўн тўрт боб орқали Исломдаги сўфийлик тариқатининг ахлоқий фазилатларини Қуръони карим ва Суннати Набавийя асосида, тариқатнинг машҳур пешволари сўз ва маслаклари ёрдамида баён қилади. Шунинг учун ҳам бу асар Ислом тасаввуфини ҳақиқий суратида баён қилган туросий китобларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, тасаввуф аҳли пешволаридан бўлган Суламий бу борада ўттиздан зиёд асар қолдирган. Унинг “Табақоти сўфийя” (Сўфийлар табақалари) китоби бир неча бор нашр қилинган, тасаввуф ва сўфийлар тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Имом Ғаззолий “Сўфийлар сўз соҳиби эмас, балки аҳвол-ҳолатлар соҳиби” деганидек, Абу Абдуллаҳмон Суламийнинг тасаввуф йўлини ёритишда кўп фойдали бўлган “Муқаддима”сини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Тасаввуфнинг ҳақиқий орифларидан бирининг бу асарини ўқиб, дунё ва охиратимиз саодати йўлида манфаат олишимизда Аллоҳ таолонинг Ўзи барчамизга мададкор бўлсин, омин!

Абдулҳамид Муҳаммад Турсун.